VI. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2019 йилнинг январь-мартида автомобиль транспорти томонидан 3,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 95,4 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 150,0 млн. тн–км.ни ташкил қилди ёки 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 101,1 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2019 йил январь-март	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган юклар, *млн. тн.*	**3,7**	**95,4**
автомобиль транспортида	3,7	95,4
Юк айланмаси, *млн. тн–км*	**150,0**	**101,1**
автомобиль транспортининг	150,0	101,1

Автомобиль транспортида 3,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 95,4 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 150,0 млн. тн–км.ни ташкил қилди ва 101,1 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 101,2 фоизга кўпайди ва 136,1 млн. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 54,1 фоизни (2018 йилнинг январь-мартида 51,3 фоизни) ташкил этди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 103,5 фоизга кўпайди ва 25,3 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 102,7 фоизга кўпайиб, 551,4 млн. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2019йил январь–март	*Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида*	*Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида*
Ташилган йўловчилар, *млн. киши*	**25,3**	**103,5**	**100,0**
автомобиль транспортида	25,3	103,5	100,0
Йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи–км*	**551,4**	**102,7**	**100,0**
автомобиль транспортининг	551,4	102,7	100,0

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 49,9 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 79,2 фоизни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-март ойига нисбатан 101,8 фоизга кўпайди ва 436,6 млн, йўловчи-км, ни ташкил қилди, Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 49,9 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-мартида 50,8 фоиз).

Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

(2019 йил январь-март ойларида)